

ТРИТИКАЛЕ ЭКИНИНИ ЯНГИ “ХЛЕБАРОб” НАВИНИ ҚЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИГА ТАЪСИРИ

Тургунбаев Айдарбек Куанышбаевич

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Аннотация. Қорақалпоғистон шароитида Россия олимлари томонидан яратилган тритикалени “Хлеббароб” навини мақбул қўчат қалинлигини аниқлаш ва уларнинг морфологик белгиларига таъсири бўйича ўрганилган маълумотлар келтирилган.

Қалим сўзлар: қўчат қалинлиги, шўрланган тупроқ, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, 1000 дон дон оғирлиги, дон ҳосилдорлиги.

Аннотация. Представлены сведения по определению оптимальной густоты стояние тритикале «Хлеббароб», созданного российскими учеными в условиях Каракалпакстана, и ее влиянию на морфологические признаки.

Ключевые слова: Густота стояние, засоленность почвы, высота растений, длина колоса, масса 1000 зерен, урожайность зерна.

Abstract. The article presents information on determining the optimal standing density of the triticale «Khlebarob», created by Russian scientists in the conditions of Karakalpakstan, and its influence on morphological characteristics.

Keywords: standing density, soil salinity, plant height, ear length, 1000-grain weight, grain yield.

Кириш. Тритикале – инсон томонидан қисқа муддатда яратилган экин ҳисобланади. жуда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган сунъий экин. Унга минг йиллик эволюция жараёни таъсир кўрсатмади, унинг асосида бошқа барча қишлоқ хўжалиги экинлари шаклланди.

Тритикале озиқ-овқат ва ем хашак учун мўлжалланган экини ҳисобланади. Тритикале ем-хашак экини сифатида кенг қўлланилиши кўплаб тадқиқотчилар томонидан кўрсатилган [2, 6, 7, 8].

А.Ф.Мережконинг [5], фикрича ишлаб чиқаришда тритикале экинини юқори дон ҳосили бериши ва дони тарқибда керакли фойдали моддалар мавжудлиги ҳисобига тўйимли зернасенас таъйёрлаш мумкин. Ем-хашак экини сифатида тритикале озуқа бирлиги бўйича буғдойга яқин, маккажўхоридан бир оз паст ва арпадан устун туради.

Келажакда дон етиштириш ҳажми қўпайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун тритикаленинг янги навларини жорий этиш орқали амалга ошириш лозим. Шунинг учун, унумдорлиги паст тупроқларда унинг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш зарур [1].

Бир қатор тадқиқотчилар уруғларни экиш меъёри ва минерал озуқалар фонини тритикале дон ҳосилдорлиги ва унинг сифатини шакллантиришда таъсирини ўрганишган [3]. Изучались нормы высева от 3,5 млн. шт./га всхожих семян до 7,0 млн.шт./га всхожих семян. Установлено, что норма высева семян практически не оказывала влияния на коэффициент хозяйственной эффективности фотосинтеза. С увеличением нормы высева наблюдалось снижение площади листьев отдельных растений. Применение минеральных удобрений позволяло повысить содержание сырой клейковины на 5...8 %, а белка – на 1...2 %.

Тритикале высевали нормами 2,5...4,0 млн. шт./га всхожих семян. Удобрения вносили в дозе Р15 при посеве, N30 – в ранневесеннюю подкормку. Результаты четырёхлетних исследований показали, что норма высева 3 млн. шт./га является оптимальной для тритикале сорта Авангард. При задержке

сроков посева норму следует увеличивать до 4 млн. шт./га.

Бир гектар майдон учун уруғ меъёрлари 3,5 дондан 7,0 миллионгача бўлган яшовчан уруғликлар ўрганилган. Уруғлик меъёрлари фотосинтезнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти таъсир қилмаслиги аниқланди. Уруғлар меъёрларининг ошиши билан ўсимликларнинг барг майдонининг пасайиши кузатилди. Минерал ўғитлардан фойдаланиш орқали клейковина миқдори 5...8% га, оқсилни эса 1...2% га ошириш имконияти аниқланди.

Тритикале 2,5...4,0 миллион дон/гача яшовчан уруғлик экилди. Ўғитлар экиш пайтида, яъний эрта баҳорда P_{15} , N_{30} миқдорида қўлланилган.

Тўрт йиллик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тритикалени Авангард навини уруғини экиш меъёри 3 млн.дон/га қилиб экиш мақбул эканлиги аниқланди. Агар экиш муддати кечикиб кетадиган бўлса уруғлик меъёрини 4 млн донга етказиш мумкинлиги келтирилган.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида ўтказилди.

Далада тадқиқотни ўтказиш, жойлаштириш, кузатувлар олиб бориш ва ҳисоб-китоб ишлари “Дала тажрибасини ўтказиш методикаси” асосида олиб борилди. Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорлигини аниқлаш Доспеховнинг «Дала тажрибаси методологияси» олиб борилди ва Microsoft Excel дастуридан фойдаланилди.

Тажриба даланинг агрокимёвий таҳлили шуни кўрсатдики тупроқнинг 30 см ҳайдалма қатламида фосфор микдоир 31-45 мг, калий микдори 101-200 мг, гумус микдори 0,81-1,20% мавжуд эканлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон шароитида мос агротехник тадбирлар амалга оширилди. Тажриба майдонига экиш олдида физик холда 100 кг фосфорли ўғит берилди, эрта баҳорда 10-март куни фосфорли ва азотли ўғитлар 100 кг дан берилди ва суғорилди. Ўсув даври давомида 3 марта суғориш ва бегона ўтлардан тозалаш тадбирлари ўтказилди.

Тритикале “Хлеббароб” навини морфологик белгиларининг кўрсаткичлари (2022-2024 й.й.).

№	Қўчат қалинлиги, млн.туп	Ўсимлик бўйи, см	Барг сони, дона	Бўғим сони, дона	Бошоқ узунлиги, см	Бир донга ўсимлик оғирлиги, гр
1	4,5	63,91	4,2	4,4	12,16	3,83
2	5,0	64,33	4,2	4,3	12,13	3,71
3	5,5	63,16	4,2	4,3	11,10	3,33
4	6,0	62,53	4,1	4,3	10,93	3,20

Тритикале “Хлеббароб” навини лаборатория таҳлилларининг кўрсаткичлари (2022-2024 й.й.)

№	Қўчат қалинлиги, млн.туп	Бошоқ узунлиги, см	Бир бошоқдаги дон сони, дона	Бир бошоқдаги дон оғирлиги, гр	Дон чиқими, %	Чиқинди микдори, %	1000 донга дон оғирлиги, гр
1	4,5	12,16	48,6	23,50	83,13	16,87	35,96
2	5,0	12,13	48,0	23,33	82,67	17,33	35,76
3	5,5	11,10	47,6	22,53	82,21	17,79	35,41
4	6,0	10,93	45,0	22,48	81,65	18,35	34,66

Тритикалени “Хлеббароб” нави 2022-2024 йиллар мобайнида 4,5, 5,0, 5,5, 6,0 млн қўчат қалинлигида уч такрор, уч қайтариқда, 19,6 м² майдонда экилди. Андоза вариант сифатида 5,0 млн туп қўчат қалинлиги танлаб олинган. Фенологик кузатувлар ҳар бир вариантнинг ҳар бир қайтариғидан 20 дондан ўсимликлар танлаб олиниб, рақамланиб, шу ўсимликлар устида кузатув ишлари олиб борилди.

Ҳар бир вариантнинг ҳар бир қайтариғидан 1 м² майдондаги ўсимликлар ўриб олиниб, лаборатория шароитида лаборатория таҳлиллари ўтказилди.

Натижалар ва мунозара. Тритикаленинг «Хлеббароб» навининг барча қўчат қалинлигидаги вариантларда униб чиқишдан майсалашгача 12-14 кун, туплашгача 25-28 кун, бошоқлашгача 185-191 кун, гуллашгача 215-222 кун, сут пишишгача 226-230 кун, мум пишишгача, 232-236 кун, тўлиқ пишишгача 246-255 кунни ташкил этди. Ўсимлик бўйи андоза вариантда 64,33 см бўлиб, қолган ўрганилган вариантларда ўсимлик бўйи 0,42-1,80 см.га паст бўлди. Барг сони ва бўғим сони деярли барча вариантларда деярли бир хил бўлди.

Бошоқ узунлиги 4,5 млн.туп вариантда 12,16 см бўлди, андоза вариантга нисбатан 0,03 см.га, қолган вариантларга нисбатан 1,06 – 1,23 см.га юқори бўлганлиги кузатилди. Бир донга ўсимлик оғирлиги андоза 5,0 млн.туп вариантда 3,71 грамм бўлиб, 4,5 млн.туп вариантда 3,83 гр, қолган вариантлар эса андозага нисбатан 0,38-0,51 граммга кичик бўлганлиги

кузатилди (1-жадвал).

Бир донга бошоқдаги дон сони андоза вариантда 48,0 донани, 4,5 млн.туп вариантда андозага нисбатан 0,6 донга кўп, қолган вариантларда 1,0-3,6 донга кам бўлганлиги аниқланди. Бир бошоқдаги дон оғирлиги 4,5 млн.туп вариантда энг юқори бўлиб, ўрганилаётган андоза ва бошқа вариантларга нисбатан 0,17-1,02 граммга юқори бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Лаборатория шароитида барча вариантларда олинган боғламлардаги донлар янчилиб, дон чиқими ва 1000 донга дон оғирлиги ўрганилганда 4,5 млн.туп вариантда дон чиқими 83,13 %, 1000 донга дон оғирлиги 35,96 граммни ташкил этканлиги кузатилди.

Хулоса. Қорақалпоғистон шароитида Россия олимлари томонидан яратилган тритикалени “Хлеббароб” навини 2022-2024 йиллар давомида қўчат қалинлиги бўйича ўрганилган тадқиқот натижаларига қўра гектарига 4,5 млн.туп қалинлигида экилган вариантда ўсимлик бўйи 63,91 см, бошоқ узунлиги 12,16 см, бир донга ўсимлик оғирлиги 3,83 гр, бир бошоқдаги дон сони 48,6 донга, дон чиқими 83,13%, 1000 донга дон оғирлиги 35,96 гр.ни ташкил этканлиги кузатилди. Олинган маълумотлар бўйича янги тритикалени “Хлеббароб” навини Қорақалпоғистон шароити учун дон етиштириш учун 4,5 млн.туп, яшил масса етиштириш учун 5,5 млн.туп ҳисобида экишни тавсия этамиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Амелин А.В. Роль сорта в формировании урожая / А.В. Амелин, Е.Ф. Азарова // Земледелие. - 2002. - № 1. - С. 20.
2. Бштюк А.П. Озимая тритикале на корм животным / А.П. Бштюк, М.И. Андрушов // Вестник аграрной науки. - 1996. - № 12. — С. 31-35.
3. Волков В.П. Агробιοлогическое обоснование норм высевы и сроков посева тритикале на зерно в условиях Дона/ В.П. Волков, А.В. Крохмаль // Сб. мат. заседания секции тритикале РАСХН. - Ростов-на-Дону, 2000. - С. 106-110.
4. Лашин Н.Ф. Тритикале на корм в одновидовых и смешанных посевах / Н.Ф. Лашин // Вестник РАСХН, 1992. - № 6. - С. 23-24.
5. Мережко А.Ф. Тритикале – перспективная культура для Северо-Запада / А.Ф. Мережко // Сельскохозяйственные вести. - 2007. - № 2. – С. 25.
6. Тимофеев В.Б. Зернокармовые сорта озимого тритикале / В.Б.Тимофеев // Зерновые культуры. - 1990. - № 6. - С. 18-20.
7. Тимофеев В.Б. Озимая тритикале Краснодарская зернокармовая / В.Б. Тимофеев, В.А. Филобок, Л.Ф. Дудка // Селекция и семеноводство. - 1990. - № 5. - С. 46-47.
8. Фёдоров А.К. Тритикале — ценная зернокармовая культура / А.К. Фёдоров // Кормопроизводство. - 1997. - № 5-6. - С. 41-42.